

## Лойиҳа қидирув ишларини бажариш учун

2022-1 сон

## Ш А Р Т Н О М А

Тошкент шаҳри

2022 йил “25” январь

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилувчи номидан кўмита раисининг ўринбосари М.И.Рузметов бир томондан, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти бундан кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилувчи номидан институт директори Ш.М.Бобомуродов иккинчи томондан ўз Низомлари асосида, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

### I. Шартноманинг асослари, баҳоси ва тўлов шартлари

1.1. Шартнома “Буюртмачи”нинг топшириғига биноан “Бажарувчи” томонидан куйидаги ишларни бажарилишини белгилайди: *Наманган ва Навоий вилоятларидаги қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларини мониторинг мақсадларида тадқиқ этиш учун экологик майдончаларда тупроқ тадқиқотларини бажариш.*

1.2. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг қиймати **417 776 413** (тўрт юз ўн етти миллион етти юзи етмиш олти минг тўрт юз ўн уч) сўм бўлиб, кўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) олинмайди.

1.3. “Буюртмачи” ушбу шартнома имзолангандан сўнг, шартнома умумий қийматининг 30 фоизини олдиндан ва қолган қисмини ишни бажариш далолатномаси ва тугатилган ишларини белгиланган тартибда қабул қилиб олиш ҳужжатларини расмийлаштириш мобайнида тўлов ишлари амалга оширилади.

1.4. Шартномада белгиланган ишнинг қиймати амалдаги ва жорий нархларга ўтиш қўлланмаси ҳамда шартномавий нархлар билан белгиланади.

1.5. Ишларни бажариш учун қўйиладиган илмий-техникавий, иқтисодий ва бошқа талаблар лойиҳалаш топшириқ, ишнинг номи ва бажарилиш муддати (босқичлари) эса календар режа билан аниқланади, улар мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

### II. Тарафларнинг мажбуриятлари

2.1. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:

2.1.1. Буюртмани Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ календар иш режасида назарда тутилган ҳажмда сифатли қилиб бажариш;

2.1.2. Шартнома талабларига мувофиқ тартибда ва ҳолатда ишларни “Буюртмачи”га топшириш;

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.2.1. “Бажарувчи”га техник топшириқ бериш ва у билан бажарилган ишлар (босқичлар) натижаларини келишиш;

2.2.2. Шартномада белгиланган муддатда ва тартибда бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва унинг қийматини бажарувчига тўлаш.

### III. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиблари

3.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш техник топшириққа мувофиқ амалга оширилади.

3.2. Бажариладиган ишларнинг босқичлари, тугатилиши билан боғлиқ ҳолда расмийлаштириладиган ҳужжатлар рўйхати ва топшириш тартиблари техник

топширик билан ҳамда бажарилган ишлар далолатномасига асосан босқичлар бўйича қабул қилиб олинади, сўнг ҳақ тўланади.

3.3. **“Бажарувчи”** ишни томомлагандан сўнг **“Буюртмачи”**га бажарилган иш (босқич)ларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини техник топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар мажмуи билан биргаликда тақдим қилади.

3.4. **“Буюртмачи”** ушбу далолатномани мазкур шартноманинг 3.3 - бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини ва ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг 10 кун давомида ишни қабул қилиш мажбуриятини олади ва **“Бажарувчи”**га имзоланган ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасини ёки ишни қабул қилмаслик сабабини асословчи ёзма изоҳни юборади.

3.5. **“Буюртмачи”** ишни қабул қилишини асосли рад этса, қўшимча бажариладиган ишлар ва уларнинг бажариш муддатлари кўрсатилиб, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.6. Ишни бажариш жараёнида уни давом эттириш ёки тўхтатиш тўғрисида томонлар бир-бирини 5(беш) кунлик муддат ичида хабардор қилишга ва мақсадга мувофиқ ишни давом эттириш тўғрисидаги масалани 15 кунлик муддат ичида кўриб чиқишга мажбурдирлар.

3.7. Бажарилаётган иш “асосли равишда тўхтатилган ва уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмас” - деб топилган тақдирда, ишнинг бажарилган қисми учун **“Буюртмачи”** томонидан **“Бажарувчи”**га ҳақ тўланади.

3.8. Ушбу шартнома 2022 йил январдан 2022 йил “31” мартгача ҳақиқий ҳисобланади.

#### **IV. Тарафларнинг жавобгарлиги**

4.1. Шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки талаб даражасида бажармаган тараф Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги ва амалдаги бошқа қонунларда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

4.2. **“Буюртмачи”** томонидан мазкур шартноманинг 1.3 – бандидаги аванс тўлови кечикиб ўтказилганда, ишни тамомлаш муддати шунга мутаносиб муддатга узайтирилади.

4.3. Бажарилган ишда асосли камчиликлар аниқланган тақдирда, **“Бажарувчи”** камчиликларни ўз ҳисобидан тарафлар томонидан келишилган муддатда бартараф этишга мажбур.

4.4. Ушбу шартнома бўйича келиб чиққан барча низолар ўзаро келишув йўли билан, унинг имкони бўлмаганда Хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

#### **V. Қўшимча шартлар**

5.1. **“Бажарувчи”** бажариладиган ишларнинг қиймати ошиши мумкинлиги тўғрисида **“Буюртмачи”**ни ўз вақтида (ёзма) хабардор қилишга ва **“Буюртмачи”**нинг ёзма розилигини олмагунга қадар ишни тўхтатиб туришга ҳақлидир. Агар **“Буюртмачи”** **“Бажарувчи”** тақдим этган нарҳда ишни давом эттиришни “мақсадга мувофиқ эмас” - деб топса, у ҳолда у бажарувчининг кўрган зарарларини тўлайди.

5.2. Шартнома шартларига тарафларнинг розилиги билан келишув битими орқали қўшимча ва ўзгаришлар киритилиши мумкин.

5.3. **“Бажарувчи”** ўз мажбуриятини бажариш учун учинчи тарафни ҳам жалб қилиши мумкин.

## V. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

**Бажарувчи:** Тупрокшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти.  
**Манзили:** 100179, Тошкент ш., Олмазор тумани, Қамаринсо кўчаси, 3 уй.  
**Тел.:** бухг.71-246-15-37

**Шах.х/р:** 4001 1086 0262 8070 4821 0190 001,  
ИНН-201603524, ОКОНХ -95110, ОКЭД: 72190  
Молия Вазирлиги Ғазначилиги ХККМ МБ ББ Тошкент ш.,  
**Х/р:** 2340 2100 3001 0000 1010,  
МФО-00014, СТИР-201122919

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
**Манзили:** 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй.  
**Тел.:** 71-260-47-94

**Шах.х/р:** 1000 1086 0272 4870 4992 0082 001, СТИР: 305636074, ОКЭД: 84111  
**Банк;** Марказий банк, Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб маркази  
**Х/р:** 2340 2000 3001 0000 1010, МФО-00014, СТИР-201122919,

Мазкур шартномага: техник-топширик, ишни бажариш календар режаси, бажариладиган ишлар ҳисоблари (сметалари) ва шартномавий баҳони келишганлиги ҳақидаги баённома илова қилинади.

**БАЖАРУВЧИ**



**Ш.М.Бобомуродов**

**БУЮРТМАЧИ**



**М.И. Рузметов**

М.Ў.

Келишилган шартномавий нархлар тўғрисидаги

**Баённома**

2022 йил “ ” январь

Бизлар, қуйида имзо қўювчилар “**Буюртмачи**” номидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари М.И. Рузметов ва “**Бажарувчи**” номидан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти директори Ш.М.Бобомуродовлар томонидан 2022 йил “ ” январдаги 2022-1 сон шартноманинг келишилган нархи **417 776 413** (тўрт юз ўн етти миллион етти юзи етмиш олти минг тўрт юз ўн уч) сўмни ташкил қилишини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома “**Буюртмачи**” ва “**Бажарувчи**” томонидан “ҳисоб-китоб қилиш учун асос” деб ҳисобланади.

**БАЖАРУВЧИ**

Ш.М.Бобомуродов

2022 й. “ ” январь

м.ў.



**БУЮРТМАЧИ**

М.И. Рузметов

2022 й. “ ” январь

м.ў.



## ХУЛОСА

“Буюртмачи” номидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан “Бажарувчи” Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти ўртасида 2022 йилни “25” январда умумий суммаси **417 776 413 (тўрт юз ўн етти миллион етти юзи етмиш олти минг тўрт юз ўн уч) сўм** бўлган 2022-1 сон “Наманган ва Навоий вилоятларидаги қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларини мониторинг мақсадларида тадқиқ этиш учун экологик майдончаларда тупроқ тадқиқотларини бажариш” номидаги шартнома лойиҳаси юзасидан, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институтининг юрисконсульти Ш.Абдухалилов томонидан:

Мен, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ости ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, қуйидаги мулоҳазаларимни билдираман:

1. Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси тадбиркорлик субъектларига ягона дарча тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона дарча марказининг 2020 йил 19 ноябрдаги № 3701806-сон реестр рақами билан давлат руйхатидан қайта ўтказилган ва институт директори Ш.М.Бобомуродов хўжалик шартномаларини имзолаш ҳуқуқига эга.

2. “Бажарувчи”нинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари тўғри.

3. Мазкур шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни талабларига тўлиқ мос келади.

Шу сабабли ушбу шартнома лойиҳасини имзолаш мумкин деб ҳисоблайман.

“25” январь 2022 й.

**Тупроқшунослик ва агрокимё  
илмий тадқиқот институтининг  
юрисконсульти**



Ш.Абдухалилов



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Қишлоқ хўжалиги  
вазир ўринбосари**

**М.И.Рузметов**

“ 25 ” январь 2022 йил

**“Буюртмачи”** Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари номидан М.И.Рузметов билан **“Бажарувчи”** Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти номидан институт директори Ш.М.Бобомуродовлар ўртасида тузилаётган 2022 йил “ ” январдаги 2022-1 сон “Наманган ва Навоий вилоятларидаги қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларини мониторинг мақсадларида тадқиқ этиш учун экологик майдончаларда тупроқ тадқиқотларини бажариш” номли шартнома лойиҳасига

### **Э К С П Е Р Т Х У Л О С А**

Биз, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида экспертиза қилиб, қуйидаги мулоҳазаларимизни билдирамиз:

1. Ушбу 01.10.2005 йилда Ўзбекистон Республикаси “Давархитеккурилиш” қўмитаси билан келишилган ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган “Ер тузиш, геодезия, картография ва кадастр ишлари учун лойиҳа-кидирув ишларининг қийматини шартномавий жорий нархларда аниқлаш тартиби тўғрисида Низом” талаблари ҳамда 02.01.2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган “Ер тузиш, давлат ер кадастри ва ер мониторинги учун лойиҳа-кидирув ишлари учун вақт меъёрлари тўплами” асосида тузилган.

2. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг қиймати **417 776 413** (тўрт юз ўн етти миллион етти юзи етмиш олти минг тўрт юз ўн уч) сўмни ташкил этиб, бажариладиган ишлар сарф-ҳаражатлар сметаси юқоридаги меъёрий ҳужжатлар асосида ҳисобланган.

3. Юқорида кўрсатилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда ушбу шартномани имзолаш ва тўловларни амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаймиз.

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
Эксперт гуруҳи аъзолари:**

1. **А. Жураев**
2. **А.Ахмадалиев**
3. **У.Ниязметов**

“ ” январь 2022 й.

007

Келишилди:

Тасдиқлайман:

Тупроқшунослик ва агрокимё  
илмий тадқиқот  
институтининг директори

Қишлоқ хўжалиги вазирининг  
ўринбосари

  
И.М. Бобомуродов  
2022 йил 25 январь

  
М.И. Рузметов  
2022 йил "25" январь

“Наманган ва Навоий вилоятларидаги қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларини мониторинг мақсадларида тадқиқ этиш учун экологик майдончаларда тупроқ тадқиқотларини бажариш” га

### ТЕХНИК-ТОПШИРИҚ

1. **Ишни бажариш учун асос:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги 496 сон қарори.

2. **Буюртмачи:** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.

3. **Ишни бажарувчи ташкилот:** Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти.

4. **Ушбу ишнинг мақсади:** Тупроқлар қопламнининг замонавий ҳолатини ўрганиш мақсадида калит ва экологик майдончаларда тупроқ тадқиқотларини бажариш.

5. **Ишга бўлган асосий талаблар:**

Наманган ва Навоий вилоятлари ҳудудларидан, мониторинг тадқиқотларида танланган бир гектарли стационар ва ярим стационар экологик майдончаларда (СЭМ ва ЯСЭМ) (базавий) тупроқ мониторинг кузатувларини ўтказиш, бунда стационар экологик майдонлардаги асосий кесмалар ўрнини олдинги тур тадқиқотларда аниқланган географик координаталарни GPS асбоби ёрдамида аниқлаш ва 5 та кесмаларни қовлаш шундан, ҳар бир СЭМлардан 3 тадан асосий кесма ва ЯСЭМлардан 1 тадан асосий тупроқ кесмалари қовланади, кесмалардан генетик қатламлар бўйича тупроқ намуналари олинади ҳамда СЭМларни асосий кесмасида сув физик хоссаларини ўрганиш ва ўрганилган кесмалардаги грунт сувлари очилганда намуналар олиш.

6. **Муддати:** Бошланиши 2022 йил 25 январь, тугалланиши 2022 йил 31 март

7. **Иш натижаларини тақдим этиш шакли:**

Мониторинг экологик майдончаларда олиб борилган тадқиқот натижалари асосида ўрганилган СЭМ ва ЯСЭМлар тупроқларининг сув физик хосса-хусусиятлари тақдим этилади.

Кирилди:  
Лойиҳа бош муҳандиси

  
А.Ж.Исмонов

2022 йил “ ” январдаги 2022-1 сон шартнома

КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

Ишларнинг (босқичларнинг) номи	Ишларни бажариш муддатлари		Ишларнинг (босқичларнинг) нархи сўмда	
	бошланиши	яқунлаши	Жами	шу жумладан жорий йилда
Наманган ва Навоий вилоятларидаги қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларини мониторинг мақсадларида тадқиқ этиш учун экологик майдончалар-да тупроқ тадқиқотларини бажариш	2022 йил январь	2022 йил март	417 776, 413	417 776, 413

БАЖАРУВЧИ

Тупроқшунослик ва агрокимё  
илмий тадқиқот институти  
директори

  
Ш.М.Бобомуродов  
2022 йил “ ” январь  
М.ў.



БУЮРТМАЧИ

Қишлоқ хўжалиги вазирининг  
ўринбосари

  
М.И.Рузметов  
2022 йил “ ” январь  
М.ў.



Келишилди:

Тасдиқлайман:

Тупроқшунослик ва агрохимё

илмий тадқиқот  
институтининг директори

  
Ш.М. Бобомуродов

2022 йил 23 январь

Қишлоқ хўжалиги вазирининг  
ўринбосари



  
М.И. Рузметов

2022 йил 23 январь

“Наманган ва Навоий вилоятларидаги қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларини мониторинг мақсадларида тадқиқ этиш учун экологик майдончаларда тупроқ тадқиқотларини бажариш”

## ДАСТУРИ

**1. Ишларнинг бажарилиши учун асос.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги 496 сон қарори.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртмаси асосида “Наманган ва Навоий вилоятларидаги қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларини мониторинг мақсадларида тадқиқ этиш учун экологик майдончаларда тупроқ тадқиқотларини бажариш” га оид ТЕХНИК–ТОПШИРИҚқа асосан тайёрланган бўлиб, мазкур ишларни мазмунини ва бажарилишини таъминлайди.

**2. Ишни бажарувчи.** Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти.

**3. Иш мақсади ва вазифалари.** Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар тупроқлари мониторинги табиий шароитларда ва инсон фаолияти таъсирида содир бўлаётган ўзгаришлар характери, жадаллигини ҳамда йўналишини ўз вақтида аниқлаш мақсадида олиб бориладиган кузатиш ва назорат қилиш тизимларидан иборат. Тупроқлар копламининг замонавий ҳолатини ўрганиш мақсадида экологик майдонча(СЭМ ва ЯСЭМ)ларда тупроқ тадқиқот ишларини бажариш. Бунда режалаштирилаётган ҳудудларда тайёргарлик ва дала ишларини бажариш.

**4. Тадқиқот предмети ва методлари.** Наманган ва Навоий вилоятларининг қишлоқ хўжалигига яроқли ерларидаги (яйлов, лалми ва суғориладиган) тупроқ қопламлари тадқиқот предмети бўлиб, бу ишларни услубиёти асосини Ердан фойдаланиш, ер тузиш ва ер кадастри бўйича меъёрий ҳужжатлар - “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторингини юритиш услуби” (Тошкент, 2011) ҳамда “Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома” (Тошкент, 2013)лари ташкил этади.

**5. Амалий аҳамияти.** Республика қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқларида режимли кузатувлар мониторинги тадқиқотлари, табиий ва антропоген омиллар таъсирида содир бўлаётган ўзгаришларни характери, жадаллигини ва йўналишини ўз вақтида аниқлаш, кузатиш, назорат қилиш ҳамда салбий жараёнларни олдини олиш чора тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Бундан ташқари, мониторинг тадқиқот натижалари қишлоқ хўжалик ерларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, тупроқ қопламларини экологик ифлослантирувчилардан ҳамда таназзулдан сақлаш, тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш ва оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

**6. Асосий иш турлари ва уларнинг бажарилиш тартиби.**

Иш турлари	Бажарилиш мuddати
<p>Наманган ва Навоий вилоятлари хуудларидан, мониторинг тадқиқотларида танланган бир гектарли стационар ва ярим стационар экологик майдончаларда (СЭМ ва ЯСЭМ) (<i>базавий</i>) тупроқ мониторинг кузатувларини ўтказиш, бунда стационар экологик майдонлардаги асосий кесмалар ўрнини олдинги тур тадқиқотларда аниқланган географик координаталарни GPS асбоби ёрдамида аниқлаш ва 5 тадан кесмаларни ковлаш шундан, ҳар бир СЭМлардан 3 тадан асосий кесма ва ЯСЭМ лардан 1 тадан асосий тупроқ кесмалари ковланади, кесмалардан генетик қатламлар бўйича тупроқ намуналари олинади. СЭМларни асосий кесмасида сув физик хоссаларини ўрганиш ва сув-физик хоссалари ўрганилган кесмалардаги грунт сувлари очилганда намуналар олиш.</p>	<p>2022 йил январь-март</p>


**7. Кутилаётган натижалар.** Тупроқ мониторинг тадқиқот натижалари турли тупроқ-иклимий шароитларида шаклланган, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларининг ҳозирги ҳолатида юз бераётган ўзгаришларни (деградацияга учраши, мелиоратив ҳолатини ёмонлашуви, емирилиши ва б.) таҳлил қилиш, бу ўзгаришларнинг характерини ва уларнинг тупроқ унумдорлигига таъсири аниқланади.

Наманган ва Навоий вилоятлари хуудларида, мониторинг тадқиқотларида ўрганилган экологик майдонларда ўтказилган тупроқ тадқиқотлари маълумотларида аниқланган салбий жараёнларни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишга доир чора-тадбирлар, тупроқлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилади.

**8. Жорий этиш.** Ўрганилган хуудларни тупроқ қопламларидан самарали ва тежамли фойдаланиш, табиий ва антропоген омиллар таъсирида вужудга келган салбий ҳолатларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар ҳамда таклиф ва тавсиялар, Наманган ва Навоий вилоятларининг мутасадди ташкилотларига ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга доир тадбирларни ўз вақтида амалга оширишлари учун такдим этилади.

**Киритилди:**

Лойиҳа бош муҳандиси



А.Ж.Исмонов



